

«19. 03

2021 y. №

7

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ИММУНОКИНД А
(IMMUNOKIND® A)

Савдо номи

ИММУНОКИНД А (IMMUNOKIND® A)

Дори шакли

Таблеткалар

Халқаро патентланмаган номи: йўқ

Таркиби

1 таблетка (100 мг) қўйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: 20 мг Calcium carbonicum Hahnemanni trit. D6, 20 мг Calcium fluoratum trit.

D6, 20 мг Calcium phosphoricum trit. D6, 20 мг Sulfur jodatum trit. D12;

ёрдамчи моддалар: микрокристалли целлюлоза, магний стеарати, тальк.

Таърифи

Оқ ёки деярли оқ, ясси цилиндрик шаклли, фаскали таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи

Гомеопатик дори воситаси.

Фармакологик хусусиятлари

Гомеопатик даволаш касалликни тушуниш маъносида ва дори воситаларини қўлланишида анъанавий тиббиётдан аҳамиятли фарқ қиласи. Гомеопатик воситалар организмнинг шахсий ҳимоя механизmlарини рағбарлантиради ва шу тарзда ўзини-ўзи тиклаш қобилиятини фаоллаштиради. Гомеопатик воситаларга организмнинг реакцияси жуда шахсий. Шу сабабларга кўра дозаспецифик фармакологик самаралар, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниqlашнинг имконияти йўқ.

Қўлланилиши

Эмизикли ва кичик ёшдаги болаларда юқори нафас йўлларининг қайталанувчи инфекцияларига чидамлиликни ошириш учун қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Таъсир этувчи моддаларнинг бирортасига ёки препаратнинг ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Махсус кўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари

Препаратни овқат билан биргаликда қабул қилиш мумкин эмас. Таблеткани овқатдан яrim соат олдин ёки яrim соат кейин қабул қилиш тавсия этилади.

Агар Сизнинг шифокорингиз фарзандингизни айrim қандларни ўзлаштираолмаслиги хақида огохлантирган бўлса, препаратни қабул қилишни бошлишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

Дори воситаси лактоза сақлайды. Галактозани ўзлаштираолмасликнинг кам наслий муаммолари, Лаппа лактаза танқислиги ёки глюкоза-галактозани кам сўрилиши каби бўлган пациентлар ушбу дори воситасини қабул қилишлари мумкин эмас.

Шифокор билан маслаҳатлашинг:

- агар фарзандингиз препаратга ёмон реакция қилса;
- агар кўшимча шикоятлар пайдо бўлса.

Ота оналарга агар уларнинг фарзандлари қалқонсимон безининг касалликлари билан касалланган бўлса, препарат билан даволанишни бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Шифокорнинг маслаҳатисиз препарат билан узоқ муддат даволаш тавсия этилмайди.

Ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўлланилиши

Препарат болалар учун мўлжалланган.

Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат болалар учун мўлжалланган.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири кузатилмаган. Ушбу гомеопатик дори воситасини қўллаш бошқа дори воситаларини қабул қилишни чекламайди.

Агар ота-оналарнинг фарзандлари бошқа ҳар қандай дори воситаларини қабул қилаётган бўлса, яқинда қабул қилган бўлса ёки қабул қилиши мумкин бўлса, уларга шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Дозалаш тартиби ва қўллаш усули

Доимо ушбу тиббиётда қўлланишига доир йўриқномага ёки ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевтнинг қўрсатмаларига риоя қилинг. Агар сиз препаратни тўғри қабул қилаётганингизга ишонч ҳосил қилмасангиз Ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Дозалаш тартиби:

6 ёшгача бўлган болалар:

1 таблеткадан кунига 3 марта.

Кўллаш усули

Таблеткаларни оғизда аста-секин сўриш лозим. Зарурати бўлса таблеткаларни кўп бўлмаган миқдордаги сув билан эритиш мумкин.

Таблеткани овқатдан ярим соат олдин ёки ярим соат кейин қабул қилиш керак.

Препаратнинг ўтказиб юборилган қабулини ўрнини тўлдириш учун болага препаратни икки марталик дозасини берманг.

Дозани ошириб юборилиши ҳолатида хеч қандай салбий оқибатлар кутилмайди.

Препаратни қабул қилишни тўхталиши ҳолатида хеч қандай салбий оқибатлар кутилмайди.

Ножӯя реакциялари

Барча дори воситалари каби, препарат ножӯя реакциялар чақириши мумкин, бироқ улар ҳар бир инсонда ривожланмайди.

Ножӯя самаралари номаълум.

Агар Сиз фарзандингизда қандайдир ножӯя самаралар пайдо бўлди деб ҳисоблассангиз, шифокор ёки фармацевт билан сұхбатлашинг. Бу ушбу тиббиётда қўлланишига доир йўриқномада қўрсатилмаган ҳар қандай ножӯя самараларни ўз ичига олади.

Эслатма: гомеопатик препаратларни қабул қилиш вақтида мавжуд бўлган шикоятлар вақтинчалик ёмонлашиши мумкин (бошлангич гомеопатик зўриқиши). Бундай ҳолларда

пациентларга препаратни қабул қилишни тұхтатиши үшін шифокор билан маслахатлашиш тавсия этилади.

Дозани ошириб юборилиши
Аникланмаган.

Ұрами

150 таблеткалар флаконларда, 1 флакон тиббиётда құлланишига доир йүрикнома билан бирга ұрамда.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололтмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Ұрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ.,
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

Альпен Фарма ГмбХ
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“France Pharma” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Навниҳол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: infopharmaff@gmail.com